



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 6-noyabr • Shanba • 129 (31.249) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА Фойдаланиш масалалари муҳокама этилди

Ўзбекистонда қишлоқ ва сув ҳўжалиги тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бу ислохот сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга, тупроқ унумдорлигини тубдан оширишга, шу жумладан, ихтисослаштирилган сув ҳўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар ассоциациялари ҳамда фермер ҳўжаликлари-нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида 5 ноябрда бўлиб ўтган давра суҳбатида «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари» мавзуси муҳокама этилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида сув ресурсларини оқилонани шилатиш ва сувдан фойдаланиш бўйича тегишли қонунчилик базаси яратилгани қайд этилди. 1993 йилда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил 31 октябрдаги қарори билан минтақада биринчи марта Сугорилладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси дренаж инфратузилмасини қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек, сув ҳўжалиги ташкилотларини мелиоратив техника ва ускуналар билан таъминлашдан иборат.

2008 йилдан бундан мамлакатда Сугорилладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш-

нинг 2008-2012 йилларга мўлжалланган давлат дастури амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сув ҳўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда, мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал каналлар, коллекторлар, дренаж тармоқлари, насос станцияларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилмоқда, томчилатиб сугориш тизими жорий этилиб, тегишли ускуналарни мамлакатда ишлаб чиқариш ташкил қилинмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш учун тўғридан-тўғри давлат инвестициялари ажратилмоқда.

Шу билан бирга, сувдан лимит бўйича фойдаланишга ўтилганидан кейинги охириги ўн йил давомида бир комплекс гектарга сув олиш ҳажмининг гектарига 13 минг куб метрдан 10,4-12,2 минг куб метргача камайгани кузатилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎзХДП: устувор вазифалар



Элдиялла НОҒМУРОВОДОВ олган суратлар.

## Электорат олдидаги мажбурият ҳар биримизни доимо фаолликка ундаши зарур

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро савдо маркази залида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ижроия қўмита ҳамда фракция аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, минтақавий партия кенгашлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, ташкилий бўлим мудирилари, Ҳаракат дастурида зиммасига аниқ ижтимоий вазифалар юкланган туман ва шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, «Ўзбекистон овози» ва «Тоғ-Ўзбекистан» газеталарининг вилоятлардаги муҳбирлари, партияимиз экспертлари иштирок этди.

Шунингдек, қатор вазирлик ва идоралар, ОАВ вакиллари қатнашди. ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов бугунги йилги шундан қўзғалган асосий мақсадлардан бири бу — парламент муҳокамасига киритилган «2011 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури» лойиҳаси бўйича фракциянинг позициясини белгилаб олишдан иборат эканини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улғубек Вафоев ушбу масала юзасидан маъруза қилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий му-

Беход ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

бўлиш партиядан катта масъулият талаб этади

Мамлакатимизда демократик жараёнлар тобора чуқурлашиб, фуқароларнинг сиёсий онги, маданияти, фаоллиги юксалиб бормоқда. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг мавқеи қучаймоқда. Сиёсий партиялар ўз гоёларини ҳаётга татбиқ этиш орқали электорат ишончини мустаҳкамлаш, тарафдорларини кўпайтириш

учун тарғибот-ташвиқот ва амалий ишларини такомиллаштиришга интиломоқда.

Сиёсий партия эртага қандай куч ва имкониятга, обрў-эътиборга эга бўлиши унинг бугунги фаолиятига, аниқроғи, ҳаётий ташаббуслари, амалий ишлари, етакчилари ва фаолларининг фидойчилиги, партиявий принциплари ва бевосита боғлиқ. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, «партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фао-


лиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаолияти шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади».

Мана шу масалалар бўйича тахририятимиз саволларига ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси **ЛАТИФ ҒУЛОМОВ** жавоб беради.

→2

## Ҳайдарали ТУРСУНБОВ,

мамлакат ноғирон-ампутантлар терма жамоаси аъзоси, икки қарра жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, «Дўстлик» ордени соҳибиди.



Бундан уч йил муқаддам Туркияда ноғирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида кўлга киритган ғалабамиз юқори баҳоланганди. Юртбошимиз бизни Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаган. Ушундан бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан кейинги мусобақаларда ҳам Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга сўз берганмиз.

## Меҳр-эътибор инсонга қанот бўлади

Аргентинага биз жаҳон чемпиони сифатида ташриф буюрдик. Биласиз, чемпионликни кўлга киритишдан кўра, уни сақлаб қолиш қийин. Шунга қарамай, ҳар бир учрашувда давлатимиз раҳбари ва халқимиз бизни кўлаб-қувватлаётганини чуқур ҳис этиб майдонга тушдик. Айниқса, финал учрашуви унутилмас бўлди. Аргентинадек жамоани доғда қолдирдик, бошида ўз жамоасини кўлаб-қувватлаб турган минг-минглаб ишқибозлар кейин жўровоз бўлиб: «Ўзбекистон! Ўзбекистон!» — дея бизни оқлишлай бошлади. Шунда кўзларимиздан қувонч ёшлари қуйилди. Ҳа, йигитларимиз кучли ирода ва матонат намойиш этиб, иккинчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга муяссар бўлишди. Улар қаторида эканимдан бахтиёрман.

Мусобақа давомида бразилиялик ўйинчилардан бири мендан: «Сизни нима ғалабага бунчалик ундайди?» — деб сўради. Унга Ватанимизда жисмоний тарбия ва спорт орқали имконияти чекланган кишилар руҳини кўтаришга, жамиятда ўз ўрнини топишга катта эътибор қаратилаётганини айтдим. Ундан ташқари, бизда ор-номус жуда кучли, дедим, мана шу бизга куч беради, майдонда жасорат ва матонат кўрсатишга ундайди...

Аргентинадан ёруғ юз билан қайтгач, Юртбошимиз Фармонига кўра, «Дўстлик» орденига сазовор бўлдим. Бу юксак мукофот жамоамиз аъзоларини, оиламизни қувонтириб юборди. Инсонга эътибор унга қанот бағишлайди. Ишонтириб айтманки, бу ғамхўрликка навбатдаги ғалабаларимиз билан жавоб қайтарамиз.

НАВБАТДАГИ СОНДА!

## МУАММО АНИҚ, ЕЧИМИ-ЧИ?

Ёки ЎзЛиДеП зиммасидаги вазифани бажариш ўрнига, сунъий баҳсга берилаётгани ҳақида.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

«Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» автомобиль магистрал йўли... →3

Ўсмирларимиз Осиё чемпионати финалида! →4

## Эътироф

Ўзбекистонда жамият ҳам, медиа соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бугун мамлакатимиз медиа маконида нодавлат сектор кенг фаолият кўрсатмоқда. Бу журналистлар янада эркин ижод қилаётгани, оммавий ахборот воситалари эса тобора мустақил бўлиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистон матбуотини ўрганиш шунга кўрсатдики, журналистлар жиддий мавзулар устида ишламоқда, жамият учун муҳим масалаларни кўтариб чиқмоқда ва уларни халқ эътиборига ердан бермоқда. Мамлакатимизда ахборот соҳасини янада ривожлантириш мақсадида зарур қонунлар қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, бу ердаги мавжуд реал кўп партияли тизим партия матбуотини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон шу тарихи сўз эркинлигини таъминлашда улкан муваффақиятларни кўлга киритмоқда. Буларнинг барчаси мени жуда қувонтирди.

Богдан БАБИЧ, Амалий сиёсат институти директори (Украина)

ОБ-ҲАВО 06-07.11. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 10°C	☀️ 12°C
Самарқанд	☀️ 10°C	☀️ 12°C
Нукус	☀️ 8°C	☀️ 13°C
Қарши	☀️ 13°C	☀️ 18°C
Урганч	☀️ 13°C	☀️ 18°C
Навоий	☀️ 8°C	☀️ 13°C
Фарғона	☀️ 10°C	☀️ 15°C
Бухоро	☀️ 8°C	☀️ 13°C
Андижон	☀️ 10°C	☀️ 15°C
Наманган	☀️ 10°C	☀️ 15°C
Термиз	☀️ 13°C	☀️ 18°C
Жиззах	☀️ 10°C	☀️ 15°C
Гулистон	☀️ 10°C	☀️ 15°C
Тошкент вил.	☀️ 10°C	☀️ 15°C

Лондон	☁️ 10°C	☁️ 9°C
Париж	☁️ 9°C	☁️ 8°C
Москва	☁️ 5°C	☁️ 2°C
Мадрид	☁️ 8°C	☁️ 7°C
Пекин	☁️ 11°C	☁️ 10°C
Гонконг	☁️ 15°C	☁️ 16°C
Рям	☁️ 10°C	☁️ 9°C
Анқара	☁️ 7°C	☁️ 9°C
Токуо	☁️ 11°C	☁️ 10°C
Стокгольм	☁️ 5°C	☁️ 3°C
Кейптаун	☁️ 14°C	☁️ 13°C
Қоҳра	☁️ 12°C	☁️ 11°C
Гавана	☁️ 22°C	☁️ 20°C
Вашингтон	☁️ 9°C	☁️ 9°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган





